


**UZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**



**JIZZAX VILOYAT XOTIN-QIZLAR QO'MITASI
JIZZAX POLITEKNIKA INSTITUTI**



AYOL - MA'NAVIYAT GULSHANI



**VII RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI

JIZZAX - 2015

манфаатларини химоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЁШЛАРГА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АСОСЛАРИНИ СИНГДИРИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

Камолова Ш., Пулатова Н, Дўстназарова Н., Усанов У.
Жиззах Давлат педагогика институти

Мустақилликка эришишимизнинг таълим-тарбия жараёнига ҳам катта таъсири бўлмоқда. Жамиятимиз инсон ва имкониятга миллат ва миллий манфаат ҳамда калриятларга дин ва эътиқодга даҳлдор бўлган ҳамма масалаларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал этишда улкан ишлар бажармоқда.

Бугунги кунда инсон том маънода маънавият соҳиби бўлиши учун изчил феъл – атвор, мукамал эътиқод, юксак дунёқарашга эга бўлиши керак. Бунинг учун аждоқларимиз инсонпарварлик ғояларидан, халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий турмуш тарзи, одоб-ахлоқ талабларидан; насл-насаб, руҳият ва ирсият ҳақидаги илмий хулосалардан; ислом динидаги ижтимоий-тарбиявий ғоялардан; миллий истиқлол, миллий ғурур, ватанпарварлик, адолат ва маърифат туйғулардан фойдаланишимиз кераклиги равшан бўлиб қолди.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиётнинг қандай тараққий қилиб келаётгани билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аждоқларимиз томонидан исбот қилинган илмий – назарий, фалсафий – тарбиявий ҳақиқатдир.

Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувафакиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждоқларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий-тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим – тарбия ишларига тадбиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти А.И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойиқдир. «Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан маҳрум этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни наслу насабамизни доимо ёдда сақладик.

Тарбия инсон камолотини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. У инсоният пайдо бўлгандан бошлаб комил инсонлар ва ота-оналар ҳаёти-фаолияти ибрат-намунаси сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда ва бу ҳақда бой тарихий миллий меросга эгалитимиз бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам тарбия масаласи жамият тараққиёти турли босқичларида турлича кўриниш ва йўналишларда олиб борилган. Бу борада бугунги мустақил давлатимизнинг истиқболли тараққиётида баркамол авлод тарбияси ўта муҳимдир ва айниқса ёшларда мустақиллик маънавиятини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммодир.

Шу сабабли ҳам ушбу муаммога ёшлар тарбиясида мустақиллик маънавиятини юксалтиришни ёритишни мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу соҳадаги кўп йиллик кузатишларимиз натижаларининг гувоҳлик беришича, маънавий-ахлоқий баркамол шахс қуйидагиларни ўзида мўжассам қилади:

- у бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, ҳаммаҳаллалари ва бутун мамлакатнинг халқи фаровонлиги ҳақида қайғуради;

- унинг теварак атрофдаги одамлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга кераклиги (фойдаси тегадиган) киши бўлишига интилади;

- унда ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади;

- у кишилар ўртасида ўзаро муомала-муносабатида ҳар томонлама ўрнатилган бўлишига интилади;

- у кишиларга яхшилик қилишга одатланади ва айниқса бировларнинг оғирини енгил қилишдан ўзи ҳам хурсанд бўлади;

- умумхалк маъқуллаган Конституцияни ва шу каби муҳим давлат ҳужжатларини ҳурмат қилади, ҳамда Давлат рамзларига садоқатли бўлади;

- у Ватанни ҳимоя қилиш борасида ҳарбий ватанпарварлик туйғулари билан яшайди;

- у адолатли, диёнатли, меҳр-мурувватли, эзгуликни ҳимоя қилувчи, ваъдага вафоли бўлади;

- у Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидоийлик кўрсата олади ва шу қабилар.

Демак, тарбия бериш болага уй шароитидан бошлаб боғча, мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълим муассасалари, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва шу каби жойларда мунтазам равишда замон билан ҳамнафас ҳолда олиб борилмоғи лозим. Уларни ўйинлар давомида («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада», «Ўтироф» ва шу қабилар), уй юмушларини бажаришда, таълим бериш ва илмга ўргатиш вақтида, ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтириш орқали, буюк аждодларимизнинг миллий-маънавий соҳадаги қилган ишлари ибрат-намунасини ёшлар онгига сингдириш билан энг асосийси шахсий ўрнатилган кўрсатиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бу борада ёшлар тарбиясига бепарволик билан қараб бўлмайди, чунки бу муҳим масалага бепарволик (эътиборнинг сусайиши) тузатиб бўлмас оқибатларга, яъни ёшларимизнинг диний ақидапарастлик, террорчилик, гиёҳвандлик ва шу каби зарарли оқимлар таъсирига тушуб қолиши мумкин.

Бу соҳада олиб борилган илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, ушбу муаммо ечимини қўйидаги кетма-кетликда олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади ва уларнинг ҳар бири бўйича ахборотлар базасини яратиш ҳамда уларни тизимларга ажратиш лозим деб топдик:

- тупроқ;

- она Ватан;

- тарихий Ватан;

- ватан туйғуси;

- ватан қайғуси;

- ватан соғинчи;

- суврат ва сийрат;

- миллий тарбия тизими;

- узлуксиз тарбия тизими ва унинг мақсад-вазифалари;

- ёшларда шаклланиши лозим бўлган фазилат ва ҳислатлар;

- узлуксиз тарбия тизимининг жамият тараққиётидаги аҳмияти ва ўрни. Вугунги кунда юқоридаги кетма-кетликни тўғри англаб, улар асосида маълумотлар базаларини яратиш ҳамда уларни режалаштирилган мақсад-вазифаларга мос тизимларга ажратиш, улардаш таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ўқувчи ёшларни ҳар тамоилама етук ва баркамол бўлишларида мустаҳкам асос бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент: 2008.

ЎЗБЕК КИНО САНЪАТИДА МАТОНАТЛИ АЁЛ ОБРАЗИ.

Каримбаева Н ўқитувчиси.

ЎЗДСМИ

Санъат ўзининг шакли шамойили, турли хил кўринишлари билан одамзотнинг руҳини озиклантириш, маънавий дунёсини бойитиш, уни комиллик сари етаклашдек вазифани асрлар давомида ижро этиб келган. Улар орасида кино санъатининг алоҳида ўрни бор. Оммавийлиги, таъсирчанлиги билан ўз хусусиятига эга бўлган ушбу санъатнинг тарғиботи, тадқиқи масаласи ҳамиша долзарб. Кино санъати мозийни, бугунни, ҳаёлан эртани гавдалантира олиши билан жонивали кулдатга эга.

воспитаниши	141
Ш.Жонибоев, Г.Замратова - Ўзбекистонда миллий тарбия маъшулотларини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти	142
М.Жумамуратов (Қорақалпоқ вилоятидаги Ташкентда туғилган) - Жумамуратов ижоди мисолида) - Кексаларни ақсоқил қилиш	143
Г.У.Жумамуратов, Д.Оқилбеков - Аёл халқнинг ва сўз	146
М.Жумамуратов, Ш.Замратова - Zulfiya ijodini o'rganish (boshlang'ich ta'lim misolida)	148
М.Жумамуратов, Е.Қаримов - Farzand tarbiyasida odaning o'rnini	149
М.Ю.Гауф, Ш.Замратова - "Majnunlik ishi" komediyasida ayollar obrazi tasviri	151
А.Захриддин, Д.Қаюмов - Илмий мухитнинг бола тарбиясидаги ўрни	152
Ш.Замратова, Г.Дарина, Ў.Исмаилова - Ёш авлодга экологик таълим-тарбия беришнинг аҳамияти	153
Р.Ибрагимов - Ёш авлод	155
Ф.Ибрагимов, Г.Самиева - Zulfiyaxonim she'rlarida o'xshatishlarning qo'llanishi haqida	156
Ш.Ибрагимов - Аёлларнинг маънавий гулшани	159
Ш.Ибрагимов, М.Абдунабиева - Она кучидаги сехр	160
М.Ибрагимов, Г.Қасимова, М.Жалолова, О.Каримова - Талаба ёшларда миллатларaro тотувликни шакллантириш муаммолари	161
С.Ибрагимов - Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни ва аҳамияти	162
Л.Ибрагимов, А.Усмонов - Она тили mashg'ulotlarida zulfiya ijodini o'qitish usullari	164
И.Жалолов, Р.Кодиров - Ёш авлодни тарбиялашда бегона ғоялар, зарarli оқимлар муаммоларини халқ этишида ота-оналар билан психопрофилактик ишларни ташкил этиш	167
С.Илхомова - Бу боғлар бир боғлар бўлади хали	168
Д.А.Иминова, Д.Ю.Максудова, У.И.Усмонова, М.Ю.Валиева - Маънавийят ва ёшлар	170
Исматова Ў. Сарибоев Ш - Баркамол авлод тарбиясида халқ миллий ўйинларининг ўрни	171
Ў.Исматова - Шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари	172
М.Исматова, Д.Мустафакўлова - Xotin - qizlar ongi va xisloviy madaniyatini kuchaytirish	173
У.А.Исматова, Ш.Т.Сарибасов - Организмни чишиктиришда хаво омилларининг ўрни	174
Я.Нурумбекова, Ш. Исмоилова - Zulfiyaxonim haqqida chizmalar	175
С.Исмоилов, Ж.Саидмуродов - Zulfiya isroilova - ma'naviy jasorat timsohi	178
Х.Исмоилов - Zulfiya ijodi - tarjima, adabiy aloqalar	179
В.Исроилова - Erkin Vohidov g'azaliyotida oshiq obrazining an'anaviy talqini va o'ziga xosligi	181
Yo'ldoshev S, Jo'nimurodov O. - Oilada ijtimoiy tarbiyaning mohiyati	183
Казакова Д.Э, Эгамбердиев Ф, Саидова Г. - Аёллар спортини ривожлантириш - давр талаби	185
З.Казакова, С.Бозорова, Г.Мамешева - Касб хунар коллежларида қизлар тарбиясида кийинги маъданиятининг аҳамияти	186
М.Казакова, К.Алимова - Аёл - маънавияти	187
Г.П.Каллибекова, Н.К.Айтмуратова - Ёшларга ҳуқуқий билим беришда Қорақалпоқ матбуотининг туган ўрни	189
М.Камалова - Воззрения на счастье в национальных духовных наследиях	190
Камалова Ш, Келдиярова Г., Шакарбоева Ш, Холдорова Х. - Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий дунёкарашини шакллантиришда ҳадисларлардан фойдаланиш	192
Г.Камалова - Комил инсон тарбияси оиладан бошланади	195
Ш.Камалова - Аёллар спортини жамиятда и ўрни	196
Камалова Ш, Пулатова Н, Дўстназарова Н, Усанов У. - Ёшларга миллий тарбия асосларини сингдириш кетма-кетлиги	197
Н.Каримбева - Ўзбек кино санъатида матонатли аёл образи	198
С.Каримов - Глобал интеграциялашув жараёнида ёшлар таълим-тарбиясининг ўзига хос хосалари	200
Ш.Каримова, Ш.Каримова - Zulfiyaning ma'naviy olami	202
Qarshiboyeva G.A, Turdiyeva M.X. - Oila - tarbiya maskani	204
Qarshiboyeva G.A, Xo'jalova N. - Oiladagi o'zaro munosabatlar omili	206
М.Каримов - Ўзбекистоннинг миллий маданиятини шакллантириш методлари	207
Н.Қасимова, У.Саидова, Д.Софиева - Xotin - qizlar faoliyatining davlat va jamiyat rivojidagi o'rnini	209
Н.Қаюмова, Г.Алимова - Tuzilarda nerg bor edi. (shoira Zulfiya hotirasiga)	210